

# Ҳанафий уламолари намознинг суннатларини тартиблаб чиққанлар | Ҳадис дарслари (336-дарс)



19:00 / 09.07.2025 1776

Намозда дуо ташаҳҳуд ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга саловотдан кейин қилиниши ҳаммага маълум. Шунингдек, турли диёрларда турли дуоларни ўқишга одатланилган.

Ҳанафий мазҳабида маъсур – аввалгилардан асар сифатида ривоят қилинган дуо афзал, дейилади. Шунингдек, дуо умумий бўлгани яхши, чунки ижобат бўлиши осон, дейилади. Ана ўша дуолардан бири машҳур «Аллоҳумма мағфирлана вали валидайна...» дуосидир.

Ҳанафий мазҳаби бўйича, «Аллоҳим, менга ризқ бергин» ёки «Мени фалончига уйлантиргин» каби одамларнинг гапига ўхшаш нарсалар

намозда айтилиши жоиз эмас. Бошқа мазҳаблар жоиз, дейишади.

Ҳанафий уламолари намознинг суннатларини тартиби билан санаб чиққанлар. Булар қуйидагилар:

1. Такбири таҳрима вақтида қўлни кўтариш.

Эркак киши қулоқларининг юмшоқ жойигача, аёллар елкаларигача кўтарадилар.

2. Панжаларни бир-бирига ёпиштирмай ва ёзиб юбормай, ўз ҳолича қолдириш.

3. Муқтадий такбири таҳримийни имомдан сўнг бевосита қилиши.

4. Эркак киши чап қўлини киндик остига қўйиб, ўнг қўлини чап қўли устига қўйиши. Аёл киши икки қўлини кўксига қўйиши.

5. Сано дуосини ўқиш.

6. Қироат учун ичида «аъзу биллаҳи»ни айтиш.

7. «Бисмиллаҳи»ни ичида айтиш.

8. «Омин»ни ичида айтиш.

9. Рукуъдан қайтганда «Роббана лакал ҳамду»ни айтиш.

10. Сано, «аъзу биллаҳи» «омин» ва «бисмиллаҳ»ларни ичида айтиш.

11. Такбири таҳримани бошлаш ва тугатишда мўътадил ҳолда туриб, бошни эгмаслик.

12. Имомнинг такбир, «самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳу» ва саломларни овоз чиқариб айтиши.

13. Қиёмда турганда икки оёқнинг орасини тўрт энлик миқдорида очиш.

14. Фотиҳадан кейин ўқиладиган сурани Бомдод ва Пешин намозларида «тивולי муфассал»дан, Аср ва Хуфтонда «авсати муфассал»дан ва Шомда «қисор»дан бўлиши.

15. Биринчи ракъатнинг қироати узун бўлиши.

16. Рукуъ ва саждага такбир айтиш.

17. Рукуъ ва саждада тасбеҳ айтиш.
18. Рукуъ ҳолида икки тиззани қўл билан ушлаб туриш.
19. Эркак киши рукуъ ҳолида панжаларини кериши. Аёллар ундай қилмайдилар.
20. Рукуъда белни тўғри тутиш.
21. Рукуъда бош билан белни тенг тутиш.
22. Рукуъдан қайтганда тўлиқ тикланиш.
23. Саждадан қайтганда тикланиш.
24. Саждага борганда аввал икки тиззани, кейин икки қўлни ва сўнгра пешонани қўйиш ҳамда тураётганда аксинча бўлиши.
25. Саждада қўллар елка баробарида бўлиб, бошнинг икки кафтлар орасига қўйилиши.
26. Эркак киши саждада қорнини икки сонидан, чиғаноқларини биқинидан ва билакларини ердан узоқда тутиши.
27. Аёл киши саждада қорнини икки сонига теккизиши.
28. Икки сажда орасида ўтириш. (Бу иш вожиб ҳисобланади.)
29. Икки сажда орасида ва ташаҳҳудда ўтирганда икки қўлни икки сон устига қўйиш.
30. Икки сажда орасида ва ташаҳҳудда ўтирганда эркак киши чап оёғи устига ўтириб, ўнг оёғини тик қилиб, бармоқларини қиблага қаратиши.
31. Аёл киши икки сажда орасида ва ташаҳҳудда орқаси билан ўтириб, оёқларини жуфтлаб, ён томонга чиқариб олиши.
32. «Ишораи саббоба» қилиш.
33. Икки ракъатдан кейинги ракъатларда Фотиҳани қироат қилиш.
34. Қаъдаи охирда Пайғамбар алайҳиссаломга саловот айтиш.
35. Набий алайҳиссаломга саловот айтгандан сўнг Қуръон ва Суннатдагига ўхшаш лафзлар билан дуо қилиш.

36. Салом бераётганда ўнг ва чапга қараш.

37. Имом салом берганда ортидаги намозхонларни, ҳафаза (муҳофаза қилувчи) фаришталарни ва аҳли солиҳ жинларни ният қилиши.

38. Муқтадий ўз саломи билан имомга алиқни ва қавм ҳамда ҳафаза фаришталарни ва аҳли солиҳ жинларни ният қилиши.

39. Якка намозхон саломида фаришталарни ният қилиши.

40. Иккинчи саломида овозни биринчисидан кўра бир оз пасайтириши.

41. Муқтадийнинг саломи имомнинг саломидан бевосита кейин бўлиши.

42. Саломни ўнгдан бошлаш.

43. Намозга кейин қўшилган одам имомнинг иккинчи саломини кутиб туриб, саждаи саҳв йўқлигига ишонч ҳосил қилганидан кейин намозни давом эттириш учун туриши.

Ҳанафий мазҳаби уламолари наздида намознинг қуйидаги одоблари мавжуд:

1. Такбири таҳримий вақтида эркак киши қўлларини енгидан чиқариши.

2. Қиёмда саждагоҳга, рукуъда икки оёқ учига, саждада бурун учига, ўтирганда юракка ва салом бераётганда елкаларга қараб туриш.

3. Эснаганда оғизни юмиш. Агар бунга қодир бўлмаса, енги билан тўсиш.

4. Иложи борича йўтални қайтариш.

5. Иқоматда «ҳайя ъалас-солаҳ» айтилганда намозга туриш.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 5-жузи**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.